



35

QAROR

2008 йил "17" сентябр

№ 487-к

**Автомобилларга техник хизмат
курсатиш ва сотиш мажмуаси
қуришига рухсат бериш тугрисида**

Каттакургон шаҳар С.Хушназаров кучаси 19 уйда яшовчи фуқаро Худояров Набижонни шаҳар ҳокими номига ёзган аризаси, шаҳарнинг бош режасини муаллифи ОАЖ «Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ» билан 2008 йил 20 июн кундаги № 2-10/890 сонли келишув хати ва баённомасини, шаҳар ҳокимининг 2005 йил 9 мартдаги 11-Ф сонли «Каттакургон шаҳрида шаҳарсозлик ва ер танлаш тугрисида»ги фармойиши билан тузилган комиссия аъзоларининг далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Ер ва шаҳарсозлик кодексларига асосан

Қ А Р О Р К И Л А М А Н :

1. Каттакургон шаҳар ҳокимининг 2005 йил 9 мартдаги 11-Ф сонли «Каттакургон шаҳрида шаҳарсозлик ва ер танлаш тугрисида»ги фармойиши билан тузилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.

2. Каттакургон шаҳар С.Хушназаров кучаси 19 уйда яшовчи фуқаро Худояров Набижонга шаҳарнинг бош режасига асосан А.Темур шох кучаси атрофидан аҳолига маданий, маиший, умумий овқатланиш, савдо, спорт ва автомобилларга техник хизмат курсатиш мажмуалари қурилиши учун режалаштирилган ҳудуддан 0,20 га ер майдонига автомобилларга техник хизмат курсатиш ва сотиш мажмуаси қуриб атрофида ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун рухсат берилсин.

3. Қурилиш ва ободонлаштириш ишларини бугунги кун Архитектура ва қурилиш қонун талабларига риоя қилган ҳолда вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси билан келишилган АРТ ҳамда лойиҳа смета ҳужжатлари асосида амалга ошириш фуқаро Худояров Набижонни зиммасига юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида курсатилган 2 йил муддат ичида автомобилларга техник хизмат курсатиш ва сотиш мажмуаси қурилиши ҳамда атрофида ободонлаштириш ишлари амалга оширилмаса ушбу қарор уз кучини йукотди деб ҳисоблансин.

5. Ерни натура тарзида жойида улчаб бериш, бугунги кун архитектура ва қурилиш талабларига жавоб берадиган лойиҳа асосида қурилишни назорат қилиш шаҳар Архитектура ва қурилиш ҳамда шаҳар «Ер тузиш ва кучмас мулк кадастри» хизмати бўлимлари зиммасига юклатилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар Архитектура ва қурилиш бўлими зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими :

Ф.Зайнуддинов.